

“ОНАЛАРГА ЭХТИРОМ” фестивали



Фарғона ҳақиқати

t.me/farhaqiqati

http://farhaqiqat.uz/

Сайтимизга ўтиш учун QR кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

№ 45

Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган

2021 йил 1 июнь, сешанба

(24538)

Мўътабар ҳам ўзинг, БУЮК ХАМ ўзинг!

29 май куни Марғилон шаҳридаги “Ижодкорлар боғи”да вилоят ҳокимининг ташаббуси билан мамлакатимизда илк бор ташкил этилган “Оналарга эҳтиром” фестивали якунига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.



Маданият вазири Озодбек Назарбеков республикамизда биринчи марта ўтказилаётган хайрли тадбир ананасига айланиб қолишига ишонч билдирди. “Ўзбек онаси деганда, фарғоналик оналарни кўз олдимга келтираман” дея қайд этди у. Шунингдек, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Гўлнора Маъруфова Фарғона вилояти аёлларига, улар тимсолида юртимиз оналарига дил изохорни баён қилди.

Шундан сўнг фестивал доирасида ўтказилган “Энг яхши маърифатли фарзанд онаси”, “Энг яхши қишлоқ хўжалиги ходимини тарбиялаган она”, “Кўп фарзандли Қаҳрамон она”, “Энг яхши шифокорлар сулоласи”, “Энг яхши алла ижроси”, “Юз билан юзлашган она”, “Энг яхши олимпиада”, “Энг яхши бунёдкор қайнона” каби 25 та номинация бўйича кўрик-танловлар ғолиблари диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. 1-ўринни эгаллаган оналар икки камерали музтақич, 2-ўрин соҳиблари кир ювish машинаси, 3-ўринни эгаллаганлар телевизор билан муқофотланди.

Тадбирнинг бадиий қисмини Озодбек Назарбеков жозибали кўшиқлари билан бошлаб берди. Ёзёвон туманилик 80 ёшли Дорохон она Абдуллаева жонли кўшиқ ижро этиб, семплии санъаткор ва иштирокчилар олқишига сазовор бўлди. Вилоят санъат усталари томонидан она мавзусидаги сахна кўринишлари намойиш этилди.

Тўмарис, Бибихон, Мохларойларим, Увайсий отиндай гулчиройларим. Алласи дунёни титратган аёл, Кўнгил осмонда юлдуз, ойларим.

Тўмарис: Тарихда номим бор-ёвқур Тўмарис, Аслида бир мушфик онаман мен ҳам. Курашим-юрт ёвга қолман харгиз, Токи ўз ерида бахт топсин одам.

Собихоним: Соябоним эди Темурбек ҳоқон, Не-не шаҳзодлар онасидирман. Бибихоним деди ул Соҳибқирон, Бирок юрагимда кетди бир армон — Ноҳил беқларнинг ноласидирман.

Нодирабегим: Умаршайх Мирзонинг салтанатида, Нодирам диврон деган ном олдим. Бугун яшайман тарих қатида, Бағримда гўр болам — Маъдалихоним...

Увайсий: Жаҳон отин Увайсий номи-ла шеъру газал эъдим, Менга қисмат экан аслида бу тақдир, азал эъдим. Не бахтдирким, бу оламда она бўлмоқ, аёл бўлмоқ, Жигарпорам-боламга деб баридан соз, гўзал эъдим. (Зухра Алиева шеъри).

Шунингдек, Алишер Файз, Илҳом Иброҳимов, Абдуҷалил Қўнонов, Илҳом Фармонов, Хулқар Абдуллаева, Зоҳиршох Жўраев, Зулайхо Қўнонова каби таниқли санъаткорлар ижросида куй-қўшиқлар янгради.

Фестиваль кўҳна ва навқирон Марғилон шаҳри узра порлаган ранг-баранг ва ёрқин мушаклар билан якунланди.

РУСТАМ ОРИПОВ. МУҚИМЖОН ҚОДИРОВ олган суратлар.

Мазкур фестивални ўтказишдан асосий мақсад — дунё бешигини тебратувчи, муқаддас онажонларимизга бўлган меҳр-муҳаббатимизни, ҳурматимизни намойиш этиш, ўсиб келаётган ёш авлодни ота-онага ҳурмат руҳида тарбиялаш, фарзандлик бурчларини англайтиб, онажонларини эъзозлашга, эҳтиётлашга, ҳар доим ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, бу азалий миллий қадриятни тўлиқ адо этишга йўналтиришдан иборат эди.

Фестиваль доирасида вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида, ташкилот ва корхоналарда, ўқув муассасаларида оналарни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишдек эзгу амалларни қамраб олган маънавий-маърифий тадбирлар, турли танловлар юқори савияда ўтказилди. Ташаббус кенг қулоч ёйиб, энг чекка ва олис қишлоқларга етиб борди. Ижтимоий тармоқларда “Бу менинг онам”, “Энг гўзал меҳр изохори” каби челленжда фаол иштирок этган юртдошларимиз муҳтарам зотга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатларини дил сўзлари орқали изхор қилишди.

Эркин Воҳидов номидаги “Ижодкорлар боғи” эрталабдан гавжумлашди. Вилоятимиз шаҳар-туманларидан ташриф буюрган илгор маҳалла, ташаббускор корхона, моҳир хунаранд, миришкор дехқонлар ўзлари учун ажратилган жойларда ўзлики ва миллий қадриятларимизни акс эттирган кўргазмаларни, ишлаб чиқарилаётган ва етиштирилаётган маҳсулотлар ярмаркасини ташкил этишди. Худудлар оналарни мадҳ этган шiorлар, фестивал мақсадини ифодалаган ҳикматли сўзлар билан безатилди. Маданият марказлари ходимлари, фольклор жамоалари, ҳаваскор санъаткорлар ижросида миллий кўшиқлар, лапар ва ялларлар янграб турди. Оналар алласи қалбларга ўзгача шукҳ олиб кирган бўлса, тўйи томоша тантаналари иштирокчиларга кўтаринки кайфият улашди, табаррук момлар қўлларини дуога очиб, шундай кўларга

етказганига шукҳона келтирдилар. — Онани, аёлни эъзозлаш юртимизда азал-азалдан эзгу қадрият бўлиб келган. Оналар, опа-сингилларимизга кўрсатилаётган эътибор ва рағбат оқила, билимли, жамиятда ўз ўрнига эга хотин-қизларимизнинг ишлашга, жамият, юрт равнақи учун наф келтиришга бўлган иштиқини янада оширишда, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Патилархон Эргашева. — Биз Президентимиз, республика ҳукумати, вилоят ҳокимлиги ғамхўрлигига билим, куч-ғайратимиз, жамоат ишларидаги фаоллигимиз билан жавоб беришга ҳаракат қилияпмиз. Бу йил жамоамиз аъзолари билан 10 кўти ипак кўрти парваришлаган эдик, фестивал кўнлари 770 килограмм сифтлив пилла топириб, режани зиёди билан удалади. 30 гектардан ортиқ май-донда етиштирилаётган галладан ҳам юқори ҳосил олишни кўзлаб турибмиз.

Барчамиз қандай қасб, қандай лавозимда ишламайлик, қалбимиздаги жамики эзгу фазилатлар учун меҳрибон оналаримиздан умрбод қарздоримиз. Айниқса, уларнинг соғлом зурриёб, баркамол авлодни тарбиялаб, воғга етказишдаги ўрнини ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди. Фарғона шаҳрилик Қундузхон Усмонова узок йиллар вилоят перинатал марказида меҳнат қилди, юзлаб чақалоқларнинг соғлом дунёга келишига ҳисса қўшди. Бугунги кунда пенсияга чиққан бўлса-да, унинг касбини фарзандлари давом эттирмоқда. Онахон фестивалнинг шаҳар босқичи фаолларидан бири бўлди.

Кичик корхонамизда 30 нафар ишчилар меҳнат қилишмоқда. Уларнинг 12 нафари аёллар, — дейди Фарғона туманидаги “Уқтамбек ҳожи ота фазл” МЧЖ раҳбари Улуғбек Мустафоқуллов. — Опа-сингилларимизнинг ишлаши ва дам олишлари учун қўлай шaroитлар яратиб берганмиз. Ёши катта аёлларга алоҳида эътибор қаратилади, улар ҳаммиса ижтимоий муҳофазада. Соғлиқлари назорат қилиб турилади. Моддий-маънавий рағбатлантирилади. Қўлга киритилаёт-

ган барча ютуқ ва марраларда хизматлари беқийс.

Шаҳар узра оқшом туша бошлаган дамларда “Оналарга эҳтиром” фестивалининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ва таниқли санъаткорлар иштирокида гала-концерт бўлиб ўтди. Тантанани вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров очди.

Ҳар бир она тимсолида буюк зот сиймосини кўрагим. Миллий ва қадимий инсоний фазилатлар улар қалбиде муҳажжаслашган, — деди вилоят ҳокими. — Жаннатни онанинг оёғи остида деб билган миллатнинг, жамиятнинг вақиларини сифатида оналарга етарли эҳтиром кўрсатмасак, бошимизда кўтариб юрмасак, оналар учун яшамасак, унда ҳаётнинг тўлиқ мазмун-моҳиятини, хузуру-халоватини, бахт-саодатини билмаган ҳолда қўлдан бой бериб қўямиз. Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, оналаримиз шарофати билан Ватанимиз тупроғи жаннат боғларидек гўзал ва мўътабардир. Оналар дуосидан юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, ишимизда унум, ҳаётимизда барака бор.

Вилоят ҳокими Президент Ш. Мирзиёев ва республика ҳукумати томонидан кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ва турмуш шaroитларини яхшилашга алоҳида эътибор берилаётганини айтиб ўтди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда ўз фаолияти, эзгу ишлари билан кўпчиликка ибрат ва намуна бўлаётган хотин-қизларимиз кўпайиб бораётгани барчамизни хурсанд қилади. Риштон шаҳрида яшаётган хотин-қизлар аёл Ибрабу Усмонова ҳаж зиёратига атай йиллар давомида йнгиб келган маблағини моддий шaroити оғир маҳаллалашларига беғараз ёрдам сифатида ҳадя қилгани албатта кўпчиликка ибрат.

Тантанана сўзга чиққан Ўзбекистон

Журналист суриштируви

ФЕРМЕР НЕГА ПАХТА ўРНИГА ҚОВУН ЭКДИ?

Болалигимизнинг сеvimли эртақларидаги “Бағдодда ҳаммаёқ тинчми?” деган машҳур ибора ўз йўлига, албатта. Айни кунларда Бағдод туманида яхши маънода беҳаловатлик. Боси, янги, ёш, ғайратли ҳоким Восилжон Назаров астойдил енг шимариб ишга киришди.

Тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, баркамол авлод орузи йўлидаги изчил сазй-ҳаракатлар, қурилиш ва бунёдкорлик соҳасидаги эзгу ташаббуслар бугун катта-ю кичик бағдодликларга ўзгача ғайрат-шижоат бахш этмоқда.

Аммо ҳаётда ҳамма ишлар биз орзу қилгандек бир текис, ўз

маромида давом этавермайди. Ютуқлар бор жойда камчиликлар ҳам учраб туриши табиий. Катта ўзгаришлар жараёнида кичик кўнгилсизликлар ҳам бўлиб туриши айни ҳаётнинг ҳақиқатидир. Чунки бу дунёда ҳеч кимга бенуқсон яшаш ва ишлаш учун кафолат берилмаган.

“Адолат кўзгуси” газетасининг жорий йил 27 май кунги 21-со-

нида чоп этилган “Бағдод тумани ҳокими фидойи фермерни хонавайрон қилмоқда” сарлавҳали мақолани ўқиб, унда баён этилган ҳолат билан танишиш мақсадида мазкур туманга ижодий сафар уюштирдик. Мақсад кимнидир оқлаш, қоралаш ёки унинг тақдирига ҳукм ўқиш эмас,

балки асл ҳақиқатни юзма-юз ўрганишга қаратилган.

Мақолада туманининг “Валижон Жўраев” ММТП таркибидаги “Идеал инвест пахтазори” фермер хўжалиги раҳбари Оятулло Қимсановнинг туман ҳокими Восилжон Назаровга нисбатан кескин эътирозлари ўрин олган.

Фермернинг ёзишича, чўлда битмай қолган икки хонали ўй айвонини битказишга ҳоким унга топширган. “Қурилиш ишлари вақтида бажарилмагани сабабли Восилжон Назаров тўнини тескари кийиб олиб, унга нисбатан адоватли муносабатда” бўлаётган экан.

Мақолада айтиб ўтилган икки хонали ўй туман марказидан олис чўл худудда жойлашган бўлиб, ушбу жой — кўп йиллардан буён худуддаги фермерлар билан дала шaroитида учрашиб, агротехник тадбирларнинг бориши муҳокама қилинадиган, маҳаллий аҳоли ўртасида “Оқ уй” деб аталувчи эски иморат ҳисобланади.

Бағдод тумани ҳокими Восилжон Назаровнинг қайд этишича, бино чиндан ҳам таъмирталаб ва қаровсиз ҳолатда бўлгани сабабли, уни ҳашар йўли билан таъмирлаш ҳамда замонавий кўринишга келтириш тақлифини илгари сурган. Аммо уни таъмир-

лаш ишларини бажариш “Идеал инвест пахтазори” фермер хўжалиги раҳбари зиммасига юкланмаган.

Айни пайтда туман ҳокими ёки сектор раҳбарларига эмас, балки шу худуддаги фермерлар манфаатига хизмат қиладиган мазкур ўйни таъмирлаш ишларини тумандаги ғаллачилик кластери раҳбарияти кўнгилли тарзда амалга оширмоқда. Биз ташриф давомида бу ўйни ўз кўзимиз билан бориб кўрдик.

— Худудда 20 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, жорий деҳқончилик йилида 570 гектар ерга пахта экилган, — дейди “Валижон Жўраев” ММТП раиси Комилжон Худойберганов. — Замонавий шaroитлар муҳайё этилаётган бино бизга ўзига хос маслаҳат, тажриба алмашши маркази бўлиб хизмат қиладди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Қува тумани рақамларда:



22 та хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар фаолият кўрсатмоқда.



Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 4-5 февраль кунлари Фарғона вилоятига ташрифи доирасида жами қиймати 443,4 миллиард сўмлик 84 та инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш чоралари кўрилмоқда.



Туманда умумий ер майдони 20,3 гектар бўлган 4 та кичик саноат зонаси ташкил этилди.



Ҳар зарра тупроғи зарларга қоним

Қубо, ҳозирги Қува қўҳна цивилизация масканларидан бири бўлиб, бой тарих ва маданиятга эга. Уттан асрнинг 30-50-йилларида археологик қазималар натижасида Қува шаҳристони дўнгликлари остида қадимий йирик шаҳар қолдиқлари яширинганлиги аниқланди. 1998 йилда Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш вақтида олиб борилган археологик тадқиқотларда 8 метрдан зиёд чуқурликдан эраимиздан аввалги II-I асрларга оид буюмлар, шунингдек, турар жой харобалари мажмуаси, VII-VIII асрларга оид будда ибодатхонаси, ҳайкаллар, зардуштийлик ибодатхонаси харобаларининг топилишлари унинг қадим ўлка эканлигини яна бир бор исботлади.

Бугун қувалиқлар Аҳмад Фарғонийдек буюк алломаларни етиштириб берган заминда туғилганларидан фахрланишди. Шоира Зухра Алиева тараннум этганидек:

*Оламда ягона, жаннатмақоним,
Ҳар зарра тупроғи зарларга қоним,
О, ота маконим, она маконим
Бағрингдаман, йўқдир армоним, Қувам,
Фидо бўлсин сенга бу жоним, Қувам.*

*Фарғоний бобомдан мерос хур диёр,
Илму ҳикматлари гавҳар, дур диёр.
Анозор боблари хўп машҳур диёр,
Қадим юртим, буюк қарвоним, Қувам
Бағрингдаман, йўқдир армоним, Қувам.*

Истиклол йилларида туман ободлик, юқсалиш сари қадам қўйди. Тадбиркорлик, саноат, томорқа маданияти ривожланди. Асосийси, одамларнинг дунёқарашига, онгу тафаккурида ўзгаришлар, янгилашлар рўй берди. Бокимандаликдан кутулди, кафтдек ер инсонни бой қила олишини амалда исботлади.



Қуёшни уйғотадиганлар

Саҳарда турган кишининг ризки улуг, оиласида барақа бўлади. Қуёшни уйғотадиганларга ҳавас қилсангиз арзийди. Қувалиқларнинг миришкорлиги, тадбиркорлиги юртимизда машҳур. Мустақиллик йилларида бу борада имкониятлар янада кенгайди. Ишнинг қўзини билганлар ўз бизнесини йўлга қўйди, йирик сармоядорга айланди. Бундан ўн йил илгари туманда мингта яқин тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирда уларнинг сони тўрт мингдан ошди.

Қалинпўстин" маҳалла фуқаролар йиғинидаги "Тикувчи Шукровлар" оилавий корхонасида тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидордир. 2017 йилда ташкил этилган мазкур корхонада дастлаб бор-йўғи 4 дона оддий тикув машинаси бор эди, холос. — Оилавий тадбиркорлик ҳам аслида катта бизнес, — дейди тадбиркор Дилмурод Шукров. — Бу борада давлатимиз қатор имтиёзлар берган. Оила аъзоларимизнинг яхши ниятлари бугун ўз самарасини бера бошлади. Утган даврда тармоғимиз кенгайди. Хитой, Туркиянинг замонавий дастгоҳлари ўрнатилди. Маҳалламиздаги 30 нафар хотин-қизлар ҳам бу ерда иш билан банд. Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқараётган оилавий корхонанинг Тошкент шаҳрида савдо уйи ташкил этилган. Кийимлар Тожикистон ва Қозғистонга экспорт қилинмоқда. Тадбиркорлар оиласи тумандаги "Турк" кичик саноат зонасидан 15 сотих ер олиб, 1 миллиард сўм маблағ эвазига қадоқлаш лойиҳасини ишга тушириш ҳаракатида.

Ёшларнинг аҳди қатъий

— Президентимизга қувалиқ ёшларнинг миннатдорчилигини етказиб қўйинлар, — дейди Гулжаҳон Шералиева. — Биз каби ҳаётда қийналган минглаб ёшлар ислохотлар боис бугун ўз ўрнини топди.

Бу каби самимий дил сўзларини ақсарият юрдошларимиздан эшитишингиз мумкин. "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари" каби янги тизимнинг жорий этилиши

оғир вазиятдаги оилаларга мадад бўлди. Сектор раҳбарлари томонидан уларнинг муаммолари ўрганилиб, ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. "Мустақиллик" МФЙда истикомат қилувчи Гулжаҳон Шералиева "Ёшлар дафтари"га киририлган. У

мавсумий ишлар билан шуғулланар, аниқ даромад манбаига эга эмасди. "Маҳаллабай" ўрганишлар давомида унинг ҳам муаммолари тинланди, орзу-режалари билан танишилди. Гулжаҳон қўчатиқлик билан шуғулланиш таклифини билдирди. Унга 3 гектар ер майдони ажратилди, бу ерда ёшлар кооперациясини ташкил қилди. Шижоатли аёл 8 нафар ёшларнинг бандлигини таъминлади.

Шунингдек, ҳудуддаги 21 нафар ишсиз ёшларни кооперацияга аъзо қилиб, улар томонидан етиштирилган қўчатиқларни парваришлаш ва келажакда сотиш учун кўмаклашмоқда. Туманда ҳозирга қадар 1 минг 400 дан ортиқ ишсиз ёшлар бандлиги таъминланди, 72 нафари тадбиркорликни йўлга қўйди. 195 нафари "1+1" дастури орқали тадбиркор ва хўнарандларга бириктирилди.

Бунёдкорлик манзиллари

Айни кунларда тумандаги "Маданият" ва "Турк" МФЙда "Обод қишлоқ" дастури асосида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Дастур узок йиллар давомида ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан ортада қолиб келган ҳудудларнинг инфратузилмасини тубдан яхшилаб, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратишдек эзгу мақсадни рўёбга чиқаришга ҳизмат қилаётир. Бу ишлар учун 23 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарф этилмоқда. Айни чоғда ободонлаштириш ва қурилиш майдонига айланган икки маскан мутлақо янги қиёфа касб этапти. Кўчаларга шағал ётқизирилиб, асфальтлашга тадорик кўрилмоқда. Эски симёғочлар янгисига алмаштирилипти. Бу ишларда туман йўл-сузларининг ҳизмати беқиёс. Улар ободонлаштириш ишларида жонбозлик

кўрсатишмоқда. — "Обод қишлоқ" дастури бўйича 10,8 км ички йўللари таъмирлаш режалаштирилган, — дейди туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси бош муҳандиси Б. Мўйдинов. — Бир пайтлар Қувадаги ободонлаштириш юртимизда кенг оммалаштирилган эди. Биз бугун ана шунини қайта тиклашни ҳам мақсад қилганимиз. Зеро, йўллар ободлиги фаровонлик белгисидир. Бугун туманда бўлсангиз, ҳар бир қишлоқда бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Туманда жорий йилда учта массивда 23 та кўп қаватли уйлар қад ростляпти. Хўнарандлар марказини қуриш ишлари яқунланиб, яқин кунларда фойдаланишга топширилади.



Сархил мева-сабзавотлар хорижда ҳам машҳур

Туманда жорий йилда 26 миллион доллардан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш режалаштирилган бўлиб, айни кунларда гилос, ўрик хорижга жўнатилмоқда.

Серкўш заминимизда етиштирилаётган сархил мева ва сабзавотларга ташқи бозорда талаб катта. Хусусан, туманда бу борада йилдан-йилга экспорт ҳажми ортиб бормоқда. 2020 йилда экспортёр корхоналар томонидан 31 миллион 375 минг АҚШ долларлик экспорт амалга оширилиб, унинг 18 миллиондан ортигини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташкил этди. Жорий йилда эса режалар янада улкан. Бугунги кунда "Vodiy turfa gullari tomorqa xizmat", "Uz-segana Quva", "Fergana exim agro" масъулияти чекланган жамияти, "Ortiqov Raxmatillo Raxmonovich" деҳқон хўжалиги, "Nilol tex servis" оилавий корхонаси томонидан Бирлашган Араб Амирликлари, Россия, Украина, Хитой, Қирғизистон ва Қозғистон давлатларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинди. Айниқса, Қува боғларидаги сара ва болга тўлган гилосларнинг харидори чаққон. Хуштаём, кўриниши эътиборни тортадиган, юқори сифатли мевалар жаҳон бозорига харидорга манзур бўлади. Жумладан, гилосга ҳам талаб шундай. Таъми, донасининг йирик ва текислиги алоҳида аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, барча жиҳати билан хорижликлар дидига мос тушадиган маҳсулот етиштириш ва сотувга тайёрлаш учун мавжуд имкониятлар ишга солинмоқда. Қувалиқ экспортчилар бу борада яхши тажрибага эга. Тумандаги кўп тармоқли "Рохатой" фермер хўжалигининг 15 гектар боғида гилос фарқ пишиди. Айни кунларда ҳосил терими қизгин. Фермер хўжалиги раҳбари Турсунали Тешабоевнинг айтишича, гилоснинг ўзидан 20 тонна ҳосил олиш ниятида. Маҳсулот асосан Россияга экспорт қилинмоқда.



Миразизбек Мирзахалилов: "Мақсадим – Олимпиада олтини соҳиби бўлиш"

Қува фарзанди Миразизбек Мирзахалилов — Ўзбекистон фаҳри. У спортнинг бокс турида юқсак натижаларни қўлга киритиб, юртимиз доврўғини дунёга танитмоқда.



Қайрағоч қишлоғида туғилиб ўсган Миразизбек болалигидан спортга меҳр қўйди. Баҳодир Эркаев қўл остида бокс сир-асрорларини ўрганди ва тажрибасини янада оширди. У ўстозининг барча кўрсатмаларини астойдил бажарди.

Миразизбек 2016 йил Бекобод шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида кумуш медаль соҳиби бўлган. Уша йили Россиянинг Хант-Мансийск шаҳридаги жаҳон кубогига бронза медали билан тақдирланди. 2017-2018 йилларда Қозғистон, Россия ва Украинада ўтган халқаро



турнирларда ғолиб чиқди. Шунингдек, 2018 йили Жакарта шаҳри (Индонезия)да бўлиб ўтган XVIII ёзги Осиё ўйинларида олтин медални қўлга киритди.

2019 йил ҳам М.Миразизбек учун янада муваффақиятли ўтди. У дастлаб Болгариянинг София шаҳрида ўтган халқаро турнирда ғолиб бўлди. Таиланднинг Бангкок шаҳрида Осиё чемпионатида айланди. Энг муҳими, Россиянинг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида барча рақибларини енгиб, жаҳон чемпиони, дея эътироф этилди.

Президентимизнинг 2019 йил 27 сентябрдаги Фармонига мувофиқ, Миразизбек Мирзахалилов "Ўзбекистон ифтихо-

ри" фахрий унвони билан тақдирланди. — 2020 йил Иорданиянинг Амман шаҳрида бокс бўйича Осиё/Океания минтақалари учун Токио Олимпиадасига йўлланма берувчи турнирда ғолиб бўлиб, Олимпия ўйинлари йўлланмасини қўлга киритдим, — дейди Миразизбек. — Устозим Баҳодир Эркаев ва бошқа мураббийларим сабаб, бир спортчи орзу қиладиган барча мусобақаларда ғолиб бўлдим. Эндиги мақсадим — Олимпия ўйинлари олтин медалини қўлга киритиш. Бу эса менинг энг катта орзум.

Саҳифа материалларини Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ тайёрлади. Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.

Журналист суриштируви



ФЕРМЕР НЕГА ПАХТА ЎРНИГА ҚОВУН ЭКДИ?

— Аниқ режа асосида ишга киришиб, энди-энди меҳнатларимиз роҳатини кўра бошлагандик. Боғларни кенгайтириш, замонавий иссиқхоналар барпо этишни режалаштираётганим. Гапнинг очиги, барчасидан ҳафсалам пир бўлди.

Фермер туман ҳоқими билан ўртадаги "зиддият"ни ана шу икки хонали уй билан боғлашга уринади. Лекин туман ҳоқимлиги мутасаддилари аслида гап бошқа ёқда эканлигини таъкидлашди.

Ўрганишлар жараёнида "Идеал инвест пахтазори" фермер ҳўжалиги тасарруфида бўлган ва жорий йилда чигит экилиши режалаштирилган 102-ва 103-контурлардаги 9,11 гектар экин майдонига ноқонуний тарзда, шартномада кўрсатилмаган полиз экинларини жойлаштириш учун тайёрлаб қўйилгани аниқланди. Халқ депутатлари Бағдод тумани Кенгашининг аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология бўйича доимий комиссияси аъзолари томонидан 30 март куни аниқланган бу ҳолат юзасидан далолатнома тузилди.

Маълум бўлишича, туман ҳоқимининг 2019 йил 7 мартдаги 990-сонли қарорига асосан, мақбуллаштириш жараёнидан сўнг ушбу фермер ҳўжалигига жами 123,44 гектар (шунинг 103,11 гектари — экин ери) ер майдони ажратиб берилган. 2021 йил галла ҳосили учун 50,1 гектар ер майдонига бугдой парваришланди. 54,9 гектар майдонга эса чигит экиш режалаштирилган бўлса-да, юқорида айтилганидек, 9 гектардан ошқроқ майдон ноқонуний равишда полиз экинлари экиш учун тайёрлаб қўйилган эди.

Аниқланган ноқонуний ҳолат бўйича 30 март куни доимий комиссиянинг йиғилиши ўтказилиб, унда "Идеал инвест пахтазори" фермер ҳўжалиги экин майдонларидан ўзбошимчилик билан, амалдаги қонун меъёрлари-

га зид равишда фойдаланилаётгани муҳокама қилинган. Комиссиянинг шу кунги 03-06/4-сонли йиғилиш баённомасига кўра, фермер Оятилло Кимсановга Ўзбекистон Республикасининг "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги қонуни юзасидан тўлиқ тушунтириш берилган ва полиз экинлари экишга тайёрлаб қўйилган ер майдонларини чигит экишга қайтадан тайёрлаш учун унга 1 кунлик муддат белгиланган.

Шунингдек, аниқланган ҳолатлар ушбу муддат ичида тўлиқ бартараф этилмаса, фермер ҳўжалиги билан тузилган ер ижара шартномасини бекор қилиш масаласи халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессиясида кўриб чиқилиши ва тегишли қарор қабул қилиниши кўрсатиб ўтилган.

Аслида доимий комиссиянинг бу қарори фермернинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган эди. Аммо О.Кимсанов комиссия қарорини менсимай, полиз экинлари экиш учун тайёрлаб қўйилган ерни белгиланган муддатда чигит экиш учун қайта тайёрламади. Доимий комиссия аъзолари томонидан фермер ҳўжалиги экин майдонларида қайта мониторинг ўтказилганида ушбу ҳолат тўлиқ тасдиғини топди.

Энг қизиғи, фермер пахта экилиши лозим бўлган экин ер майдонининг 4 гектарлик қисмида гўеки чигит экиш бошланганини "кўрсатиб қўймоқчи" бўлди. Яъни, чигит экиш саяжаси даланинг у бошидан бу бошига шунчаки ҳўжакўрсинга бориб келаверади... Ваҳоланки, бу вақтда ерга ҳеч қандай чигит экилмаган, бўм-бўш сеялка даланинг бош-этагига бўзчининг мокисидек қатнаган, холос. Кўп ўтмай уддабурон фермернинг бу қилмиши ҳам мутахассислар томонидан фож этилди.

Натижада туман ҳоқими мавсум юмушларини кечиктирмаслик, ернинг умрини беҳуда ўтказмаслик учун чигит экиш билан боғлиқ агротехник тадбир-

ларни вақтинча тумандаги пахтачилик кластери зиммасига юклади. Шундан сўнг полиз экинлари экиш учун тайёрлаб қўйилган 9,11 гектар майдон қайта тайёрланиб, чигит экилди. Шунга қарамай О.Кимсанов чигит экилган майдоннинг 4 гектарини бузиб ташлаб, яна полиз экинлари экиб олган...

Пахтачилик кластери — "Fergana spinning" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона таъсис раиси Б.Комиллов 6 май куни туман прокурори А.Фозилов номига расмий хат билан мурожаат қилиб, юқоридаги ҳолатга қонуний баҳо беришни сўраган. Кластер корхонаси раҳбари сўровига кўра, туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 601-моддасига биноан маъмурий иш очилиб, тўпланган ҳужжатлар кўриб чиқиш учун Жиноят ишлари бўйича туман судига тақдим этилди.

"Идеал инвест пахтазори" фермер ҳўжалиги тасарруфидаги ер майдонларини туман захирасига олишни сўраб, О.Кимсановнинг ўзи 16 апрель куни туман ҳоқими номига ариза ёзган. Аризани имзолаган ва ҳўжалик муҳри билан тасдиқлаган. Шу аризага биноан, 17 апрель куни туман ҳоқимининг 405-сонли қарори қабул қилиниб, ер майдонлари туман захирасига қайтарилган.

Албатта, бу борада Бағдод тумани ҳоқимлиги, фермер ҳўжалиги раҳбари ҳам ушбу ҳолат юзасидан ўз манфаатидан келиб чиқиб хулоса қилмоқда. Шу сабабли ҳар икки томон ҳамон бир-бирини айблаётти. Адолат ва ҳолислик таъминланиши учун томонларнинг фикрини инобатга олиш зарур.

Вақт — олий ҳакам. Тез фурсатда мазкур ҳолат бўйича қонун устуворлиги таъминланишига ишонамиз.

Ботир МАДИЁРОВ.

ТАЪЗИЯНОМА



Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги элчихонаси иккинчи котиби Аҳмедов Сардорбекнинг падари бузруквори Баҳромжон Аҳмедовнинг бевақт вафоти муносабати билан элчихона жамоаси, шахсан ўзим ҳамда оилам номидан чуқур таъзия изҳор этаман.

Ушбу нохуш хабардан ҳаммамиз каттиқ қайғудамиз. Илоҳим, уларни Аллоҳ раҳмат қилсин, жойлари жаннатдан бўлсин, ашамаган ёшларини фарзандларига берсин.

Марҳумнинг оила аъзолари ва барча яқинларига яна бир бор чуқур ҳамдардик билдириб, уларга Яратгандан сабр-тоқат талаб қоламиз!

Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси В. ФЕН.

ДЎСТИМИЗ ХОТИРАСИ УНУТИЛМАЙДИ

Фаргона вилояти сув ҳўжалиги тармоғи оғир жудолликка учради. "Сирдарё-Сўх" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси таркибидagi "Исфара-Сирдарё" ирригация тизими бошқармаси бошлиғи Баҳромжон Раҳмонович Аҳмедов 60 ёшида вафот этди.

Б.Аҳмедов 1961 йилда Фурқат туманида туғилган эди. Ўрта мактабни битиргач, Андижон пахтачилик институтига ўқишга кириб, ирригация муҳандиси мутахассислигини эгаллади. Меҳнат фаолиятини давлат ҳўжалигида гидротехникликдан бошлади. Сўнгра "Фаргона иррострой"га қаршали механизациялашган колоннада уста, Фурқат тумани кишлок ва сув ҳўжалиги бошқармаси сув ресурслари, мелиорация ва сувдан фойдаланиш бўлими бошлиғи, сувдан фойдаланиш масалалари бўйича бошлиқ ўринбосари вазифаларида сидқидилдан хизмат қилди.

1997 — 2003 йилларда Фурқат тумани кишлок ҳўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари лавозимида фаолият олиб борди. Кейинги йилларда "Исфара-Сирдарё" ирригация тизими бошқармасини бошқарди. Ўзбекистон иқтисодини кўтаришга муносиб ҳисса қўшди.

У қамтар, фидойи ва меҳнатқаш инсон эди. Жамоадоллари очик кўнгиллигини, ҳамма билан дўст бўлиб ишлаганини қадрлашар, самимий суҳбатларидан баҳраманд бўларди. Доимо одамларнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қиларди.

Қадрдон дўстимиз Баҳромжон Аҳмедовнинг хотираси қалбимизда узок йиллар сақланиб қолади.

"ИСФАРА-СИРДАРЁ" ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ.



Қирк йилдан буён шу ерда деҳқончилик қиладиган салкам 80 ёшли Саминжон ота Мирзажонов чўл об-ҳавоси, ер илми билимдони. Отaxon биз билан суҳбатда ҳазиллашиб, кўзини юмиб бўлса-да, қайси ер чанқагани, зараркунанда ҳашарот тушгани, маҳаллий ва минерал ўғит солиши кераклигини жуда яхши билишини ўзгача ғурур билан сўзлаб берди.

Оятилло Кимсанов тажрибали фермер. 2015 йилдан буён мазкур ҳудудда бир километрдан электр энергияси тортиб келгани, сув таъминотини яхшилагани, ташландик бўлиб ётган эски бино ўрнида шинам дала шийпони қургани, кишлок ҳўжалигида фойдаланилмай ётган ерлар ўрнида янги боғлар барпо этаётгани эътиборга сазовор. Тадбиркор фермер сифатида унинг истиқболли бизнес режалари кўп. Мисол учун, чўл ҳудудининг Буюк Ипак йўли деб номланувчи катта магистраль йўли бўйида туристик марказ, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари бунёд этиш йўлидаги эзгу мақсадлари қўллаб-қувватлашга арзийди.

— Дастлаб келганимда бу ерлар ниҳоятда абгор ҳолатда эди, — дея суҳбатимизни давом эттиради фермер.



Дата журналистиканинг долзарб масалалари

Фаргона шахридаги Матбуот уйида АҚШ Глобал медиа агентлигининг Ўзбекистондаги бизнес журналистика бўйича тренинг дастурига асосан Андижон, Фаргона ва Наманган вилоятларидаги ОАВ ходимлари учун "Дата журналистика: Бизнес ва иқтисодий ёритиш" мавзусида семинар-тренинг машғулотлари бошланди.



31 май — 2 июнь кунлари мўлжалланган семинар дастуридан рақамли маълумотларни ОАВда ёритиш жараёнида маълумот манбаларини излаб топиш ва саралаш, дата журналистика (маълумотлар журналистикаси)нинг ўзига хос жиҳатлари, Фарб, хусусан, Украинадаги журналистик материаллар таҳлили, бу бўйича Ўзбекистондаги тажриба сингари қизиқарли мавзулар ўрин олган.

Машғулотларни иқтидорли ва тажрибали тренерлар — Internets Network халқаро ташкилотнинг етакчи медиа консультанти Олег Хоменок, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган "Америка овози" телерадиоси етакчи журналисти Навбахор Имомова ва Vistra Communications компанияси лойиҳалар менежери Кен Холдер олиб боришяпти. Шунингдек, қатор мавзу-зачилар билан бирга, NBC телеканали

(АҚШ) муҳаррири Эндриу Лерен, Sky Power компанияси (Канада) раҳбари Керри Адлер, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазири ўринбосари Бехот Нарматов, Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги вакили Винаяк Нагараж, Халқаро молия корпорацияси вакилларининг онлайн ва бевосита иштирок этиши режалаштирилган. — Айтиш керакки, иқтисодий соҳаси ҳар бир мамлакат ҳаётида муҳим ўрин



тутади. Агар журналистнинг бу борадаги билими, иқтисодий кўрсаткичлар, статистика, рақамлар билан ишлаш, мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш малакаси қанчалик юқори бўлса, ОАВда ёритилаётган мақола ҳам шунчалик тушунарли, пишиқ ва қизиқарли бўлади, — дейди тренер Навбахор Имомова. — Мазкур тренингдан кўзланган мақсад ҳам журналистларимизнинг иқтисодий билимини ошириш, катта ҳажмдаги

статистик ахборотни, молиявий маълумотларни таҳлил қила билиш малакаларини ривожлантиришдан иборат. Водий журналистларига мазкур соҳадаги билимларини оширишда кўлимиздан келганича кўмаклашишни ният қилганмиз.

Ҳаётжон БОЙБОБОВ. Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

ЭЪЛОНЛАР

Қўштепа тумани, "Бешкапа" МФЙ, Богимайдон кўчасида жойлашган "Nurli ziyu bolajon" масъулияти чекланган жамияти номига берилган думалок муҳр ҳамда тўртбурчак тамга йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фаргона давлат санъат билим юрти (Фаргона иқтисослаштирилган санъат мактаби)ни 1996 йилда тамомлаган Журабоев Умид Муҳаммадович номига берилган 115503 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Риштон агросаноат касб-хўнар коллежи (ҳозирги Риштон тумани 1-сонли касб-хўнар мактаби)ни 2019 йилда тамомлаган Иброҳимов Дўстонбек Равшанжон ўғли номига берилган К 5690691 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фаргона транспорт касб-хўнар коллежи (ҳозирги Фаргона шаҳар касб-хўнар мактаби)ни 2010 йилда тамомлаган Исмоилов Илхом Маҳмадҷонович номига берилган К 1793026 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Бағдод кишлок ҳўжалик касб-хўнар коллежи (ҳозирги Бағдод туман 1-сонли касб-хўнар мактаби)ни 2011-2012 ўқув йилида тамомлаган Мамаюсупова Мадина Акбарали қизи номига берилган К 2615930 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Бағдод кишлок ҳўжалик касб-хўнар коллежи (ҳозирги Бағдод туман 1-сонли касб-хўнар мактаби)ни 2008-2009 ўқув йилида тамомлаган Зияев Аҳром Замзамович номига берилган К 1367159 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фаргона шаҳар 22-ўрта таълим мактабини 1986 йилда тамомлаган Тэн Николай Николаевич номига берилган 094529 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фаргона шаҳар 15-ўрта таълим мактабини 2011-2012 ўқув йилида тамомлаган Ғофуржонова Нодирабеги Шавкатжон қизи номига берилган У 5686018 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Дунё ҳафта ичида РЕПОРТЁР ФАЛАСТИННИ Қўллаб-қувватлагани учун ишдан бўшатилади. Ассоциэйтед Пресс (АП) агентлиги ходими Эмили Уайлдер Фаластинни қўллаб-

қувватлагани, можаро қилаётган томонларга ноҳолис ёндашиб, бошқа журналистларнинг ҳаётини хавф остига қўйгани учун ишдан бўшатилади, деб ёздаи CNN телеканали агентлигининг етакчи муҳаррири Браян Каровиллано берган маълумотга таяниб. Уайлдер ижтимоий тармоқлар орқали баёнот беришича, у Стенфорд университетидида ўқиб юрган чоғларида ҳам Фаластинда инсон ҳуқуқларини оқиқасига ҳимоя қилган. Уша пайтда университетда республикачилар тараф-

дорлари Уайлдернинг номини обрўсизлантириш кампаниясини бошлаб берган. Талаба қиз ўз шаънига қўллаб ҳақоратларни эшитган. **ТУРКИЯДА «ИСТАНБУЛ» КАНАЛИ ҚУРИЛАДИ** Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдуғон Босфор бўғозини айланлиб ўтувчи «Истанбул» канали қурилишини бошлашга бағишланган маросим июнь ойининг сўнгги кунларига режалаш-

тирилган, деб маълум қилди. Унинг таъкидлашича, мазкур канал лойиҳасининг амалга оширилиши Туркия мегаполисининг стратегик аҳамиятини оширади. Канал устида олтита кўприк қурилади. Каналнинг икки соҳилида иккита шаҳар қурилади, улар Истанбул кўринишини янада чиройли қилади. Туркия ушбу янги канални Босфор бўғозига параллель равишда бунёд этмоқда. У Мармара денгизи билан Қора денгизни боғлайди.

Ў.А.

ТУТЗОР: ОЗУҚА ВА ИШ ЎРНИ

Ипак қурти озуқа базасини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли тутзорлар қарийб 400 гектарга кенгайди. Хусусан, 2017 йилда 31.9 гектар янги тутзорлар ташкил этилган бўлса, 2020 йили бу кўрсаткич 432,5 гектарга етди. 2021 йилнинг ўзига вилоятимизда 492 гектар янги тут плантациялари барпо этиш режалаштирилган. Ҳар бир ҳудудга ер, иқлим шароитига мос бўлган навлар экляпти. Баҳорги мавсумнинг ўзига 7 миллиондан ортиқ кўчатлар ўтказилди. Бу яқин беш йилда пилла етиштириш ҳажмини 30-40 фоизга ошириш имкониятини беради. Экилган тут кўчатларини парвариш, ишчилар манфаатдорлигини оширишга эътибор берилган. Шу мақсадда "Ёшлар дафтари"га киритилган 1900 нафар ишсизларга тутзорлар бўлиб берилди. Улар ниҳолларни парвариш-лаш билан бирга, экинлар оралиғида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экиб, даромад олишмоқда.

Долзарб мавзу



ПИЛЛА — ТИЛЛАМИ?

Жорий мавсумда вилоятда 37 минг 259 қути ипак қурти уруғлари парваришланиб, 2 минг 87 тонна ҳосил етиштирилади. Бу аввалги йилларга таққосланганда 137 тоннага кўп.

Ўзбек ипагидан тайёрланган адрасу атласлар, нозик дид билан тўкилаётган нафис гиламлар ички ва ташқи бозорда машҳур. Пиллани қайта ишлаш корхоналари узлуқсиз хомашё билан таъминланмоқда, маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми муттасил ўсиб бормоқда, янги иш ўринлари яратилляпти.

ЭКСПОРТДАГИ УЛУШ ОРТМОҚДА

— Пиллачилик сердаромад соҳага айланиб бормоқда, — дейди вилоят "Агропилла" МЧЖ раиси Максуджон Қосимов. — Утган йили пиллачилик корхоналари томонидан 6 млн. 965 минг АҚШ долларидан ортиқ ипак ва ипакли маҳсулотлар экспорт қилинган. Бу йўналишда иш олиб бораётган "Нурли тонг силк", "Beshariq ipagi", "Dang'ara ipagi", "Silk world business", "Водил ипак йигирув", "Сайқали

замин", "Uchko'priq ipagi", "Toshloq-silk", "Yozuyov silk vats" МЧЖ корхоналари ва пиллачилик кластерларида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ислохотлар туфайли Учкўприк туманидаги олис Меҳнатобод қишлоғида ҳам қайта ишлаш корхонаси ишга тушди. "Uchko'priq ipagi" МЧЖ томонидан ташкил этилган янги тармоқда 25 нафар маҳалла хотин-қизлари томонидан ўнлаб турдаги ипак матолар тайёрланмоқда. "Уста-шоғирд" аъёналари асосида ёшларга хунар ўргатилмоқда. — Жаҳон бозорига бир килограмм ипакнинг баҳоси 38-40 АҚШ долларига тенг.

Агар у калава қилинса, нархи 55 долларгача ортади. Ундан мато тўкиб, кийим-кечак тикиб сотилса, даромад 3 баробар кўпаяди. Ваҳоланки, ипак калава ҳар бир килограммдан 11 метрга мато тўкилади. Худди шунингдек, гиламчиликни ривожлантириш ҳам кони фойда, — дейди корхона раҳбари Абдулазиз Мамажонов. — Масалан, битта гилам тўқиш учун ўртача 10 килограмм ипак калаваси керак бўлади. Ипак ип учун 5-6 миллион сўм атрофида маблағ сарфланади. Тайёр гиламнинг нархи 10 мартабга киммат. Шу боис, ипак матолардан тайёрланадиган маҳсулотларга ташқи бозорда талаб катта.

корхоналарининг вилоят экспорт салоҳиятига қўшган улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, бу йил 8 млн. 600 минг АҚШ доллари миқдоридида ипак ва ипак маҳсулотлари хорижга сотилади.

ЭНДИ УРУФ ИМПОРТ ҚИЛИНМАЙДИ

Пиллачилик тармоғида ипак қурти уруғчилиги муҳим аҳамиятга эга. Серхосил, ипакчанлиги юқори бўлган янги ипак қурти золларини яратиш, маҳаллийлаштириш борасида амалий ишларга қўл урилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад — импортни қисқартириш, пиллакорларга арзон ва сифатли ипак қурти уруғлари етказиб беришдир. Утган йили маҳаллий шароитда 38 минг қути ипак қурти уруғи тайёрланди. Натигада шу кунга қадар четдан импорт қилинган хориж уруғларини харид қилишга ҳожат қолмади ва аксинча, импорт учун сарфланадиган 456 минг АҚШ доллари тежаб қолди. Келгуси йил мавсумида 50 минг қути ипак қурти уруғи тайёрлаш орқали 600 минг АҚШ доллари миқдоридида импортга чек қўйлади. Бунда "Фарғона пилла наслчилиги" МЧЖнинг алоҳида хизмати бор.

— Мавсумда "Тараққиёт-1", "Тараққиёт-2" янги ипак қурти золларини маҳаллийлаштириш борасида иш олиб бораётган, — дейди "Фарғона пилла наслчилиги" МЧЖ бош аргонони Камолдин Сойлопов. — Бу навлар давлат нав синаш маркази тавсияси билан Андижон, Навоий, Тошкент ва Бухоро вилоятларида парваришланиб, синовдан ўтмоқда. Дастлабки ҳулосалар қувонарли. Янги ипак қурти

уруғлари бошқа навларга нисбатан 10-15 кун эрта пилла ўрайди, ипакчанлиги юқори, биринчи узлиш нормаси 800 - 1000 метрдан ортиқ. Толаси мустаҳкам, ингичка ва силлик, юқори ҳосил беради. Жорий йилда 1000 қути элита, 200 қути супер элита уруғлари ишлаб чиқарилди.

ПИЛЛА ХАРИД НАРХИ ОШАДИМИ?

Ипак қурти ҳосилдорлигини ошириш, сифатини яхшилашда унга белгиланган нарх-навонинг ўрни муҳим. Бу йил вилоятда бир килограмм тирик пилла ҳосили учун ўртача нарх 22 минг 400 сўм қилиб белгиланган. Аммо бу қатъий нарх эмас. Пилла қанчалик сифатли бўлса, унга тўланадиган нарх ҳам юқори бўлади. Жумладан, бир килограмм тирик пилла элита навларга қабул қилинса, ҳар бир килоси учун 45 минг сўмгача нарх белгиланган.

— Икки қути ипак қурти парваришлаб, 98 килограммдан ортиқ ҳосил олдир. Пиллаиқ юқори навларга қабул қилинган ва унинг ҳар бир килосига 34 минг 247 сўмдан ҳақ тўлаб бериши. Бир мавсумда 3 миллион сўмдан ортиқ даромад олдир, — дейди Тошлоқ туманидаги "Заркент зийнати" фермер ҳўжалиги касаначиси Акмалжон Абдусаматов.

Пилла — она табиат томонидан инъом этилган мўъжиза. Бир қараганда оддий бўлиб кўрингани билан кишидан сабр-бардош, ҳалол меҳнатни талаб этади. Қўли гул чеварлар қалб кўри, меҳр-муҳаббат билан яратилган беназир ипак маҳсулотлари асрлар давомида дунё ҳамжамиятини ўзига мафтўн этиб келмоқда.

Расулжон КАМЛОЛОВ, Шерзод ҚОРАБОВ олган сурат.

Мулоҳаза

“КАТТА БЎЛСАМ, РОБОТ БЎЛАМАН” ёхуд мультфильмнинг ҳам хорижийси афзалми?

Қўшнимизнинг беш ёшли набираси билан сўхбатлашиб қолдим. — Асаджон, қўлингизда нима? — Бу — менинг робот машинан. — Сен бунақа роботларни қаердан биласан? — Биламан! — деди катталарга хос қатъийлик билан. — Сиз робот мультфильмларни кўрганмисиз? Ушларнинг ҳаммасида шунақа машиналар бор. Мен ҳам роботга айланишни учун шунақа машина бўлиши керак. Катта бўлсам, албатта, энг зўр робот бўламан, — деди-ю, чолиб кетди.

Болаканинг жавобидан ҳайратга тушдим. Нима учун аскар, ҳарбий ёки шифокор бўлишни эмас, айнан робот бўлишни хоҳляпти? Нега бота роботни ўз қаҳрамонига айлантириб олди? Унинг митти онгиде бу тушунча қаердан ва қачон туғилиб улгурди?

“Болажон”, “Ақлвўй” телеканаллари болаларнинг мароқли хордиги учун хизмат қилмоқда. Бирок эфирга узатилаётган мультфильмларни бола тарбиясига таъсирини ҳар томонлама мулоҳаза қилмаётганга ўхшаймиз. Айрим мультфильмларнинг савияси эндигина ривожланиб келаётган мурғак қалбларнинг шуғурга мос келмаяпти. Қолаверса, уларнинг асосий қисми хорижий “маҳсулот”. Аксарият болалар экрандаги қаҳрамонларга тақлид қилиб, ўз характери ўзагарганини сезмай қолмоқда.

— Мультфильмлар орқали болаларни тарбияллаймиз, уларни ахборот психологик хуруждан химоя қиламиз. Лекин чет эл мультфильмлари бола тарбиясига бегона муҳит таъсирини олиб киради. Масалан, қайсарлик ҳолатини келтириб чиқаради. Бу эса йиллар ўтиб ҳам унинг онгиде сақланиб қолиши мумкин.

Узимизнинг миллий мультфильмларимизни кўпроқ қўйиш мақсадга мувофиқдир, — дейди Фарғона давлат университетини психологи Фотима Абдуллаева.

Айтишларича, дунёга машҳур бўлган “Қирол шер” мультфильми экран юзини кўриши учун 450 нафар мутахассис 5 йил давомида тинимсиз иш олиб борган экан. Натига эса ҳаммага маълум. Ўзбек иждоқкорлари орасида ҳам бу жараёнга катта масъулият, келажак иши деб қарайдиган фидойи мультфильматорлар қўлайишини истарди.

Хозиргача “Зумрад ва Киммат”, “Олтин тарвуз”, “Доворак ошпаз”, “Олтин танга”, “Сирли гиламча”, “Тўғривой ва Эгривой” сингари ўнлаб мультфильмларимиз савияси, мазмун-моҳияти, дизайни билан болаларимиз меҳрини қозонган, уларнинг қалбига дўстлик, тўғрчилик, яхшилик, саховат, меҳнатсеварлик каби инсоний фазилатларга ҳурмат ҳиссини сингдиради. Катталар ҳам кичик томошабинларга миллий ва замонавийликини ўйғунлаштирган мультқаҳрамонларни кашф этишлари, томоша учун нуносиб танловни белгилашлариға кўмаклашсалар, айни мудоао бўлади. Зотан, Ўзбек болалари аллақандай роботлар қиёфасида қаҳрамонлик кўрсатадиган “супермен”ларга ўхшашни орзу қилиб қолмаслиги керак.

Зулайхо МАҲМУДОВА, талаба.

Хабарингиз борми?

АБИТУРИЕНТЛАР УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 12 октябрдаги 646-сон қарорига мувофиқ, 2020 йил 1 декабрдан бошлаб босқичма-босқич бакалаврият таълим йўналишлариға мос фанлар мажмуасидаги она тили ва адабиёт (Ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти), математика, кимё, биология ва чет тили умумтаълим фанларидан билим даражасини баҳолашнинг “Миллий тест” тизими жорий этилди.

2021-2022 ўқув йили қабулдан бошлаб тегишли умумтаълим фанини (чет тили бундан мустасно) билиш даражаси тўғрисида давлат намунасидаги сертификатга эга бўлган абитуриентга сертификатдаги ўзлаштириш фоизига мос равишда олий таълим муассасаси бакалавриятга ўқишга қабул қилиш бўйича тест синовларида ушбу фандан белгиланган максимал баллга нисбатан табақалаштирилган (пропорционал) балл бериш тартиби жорий этилди. Мисол учун, мутахассислик йўналишларидаги биринчи ва иккинчи блокдаги фанлардан 30 тадан савол берилади, ҳар бир саволнинг тўғри жавобиға 3,1 балл берилади. Шундан келиб чиқиб ҳисобланса, абитуриент 30 та саволға максимал 94,5 балл (100%) йиғиш имкониятиға эға бўлади. Агар талабор ушбу максимал баллга нисбатан 90 фоиз балл билан “Миллий сертификат”ға эға бўлса, у ҳолда олий таълимға кириш тест синовида ушбу фандан овоз қилинади ҳамда тест натижаларини ҳисоблашда абитуриентға пропорционал равишда ((94,5*90)/100=) 85,05 балл қўшиб берилади. Яъни, олий таълим муассасалариға кириш тест имтиҳонларини топширишдан олдин абитуриент муайян натижаларға эришиш имкониятиға эға бўлади. Сертификат бериш учун талабордан ариза ёзилган кундаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баравари миқдориде тўлов ундирилади. Сертификат тест синовини натижаға бўйича энг юқори баллнинг камида 60 фоизини тўплаган шахсларға 3 йил муддатға берилади. Умумтаълим фанларини билиш да-

ражасини аниқлаш ва давлат намунасида сертификатни бериш Давлат тест маркази томонидан тўлов асосида амалға оширилади. Сертификат электрон шаклда берилади. Талабор сертификат олиш мақсадида тест синовида қатнашиш учун Давлат тест марказининг “Абитуриентларнинг маълумотлари ва аризаларини рўйхатға олиш тизими” my.dtm.uz сайти орқали электрон ариза бериб рўйхатдан ўтди ҳамда тест топшириш худудини ихтиёрий танлаш имкониятиға эға бўлади. Тест синовини ўтказилиши жараёнида талабор бир вақтда фақат битта умумтаълим фандан тест топширишиға рухсат этилади. Эътиборлиси, мазкур тест синовлари ҳар ой ўтказилади ва абитуриентлар учун қулай. Миллий сертификат тест синовидан ижобий натижаға эришган талаборға тест синовини натижалари эълон қилинган кундан бошлаб бир ҳафта мобайнида Давлат тест маркази директорининг буйруғи асосида электрон шаклда берилади. Талабор сертификатни шахсий кабинети орқали юкляб олиши мумкин. Бугунги кунға қадар Фарғона вилоятида ўтказилган миллий сертификат тест тизими бўйича юзлаб талаборлар ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, математика, кимё ва биология фанларидан “Миллий сертификат”ға эға бўлдилар.

Жаҳонгир БАБАЖАНОВ, Давлат тест маркази Фарғона вилояти бўлими бош мутахассиси.

Турмуш ЧОРРАҲАЛАРИДА

— Салгина сурилинг, бунча бесўнақайсиз? — Қаерға сурилай? Ўзингиз мана бу зилдек турвангизни оёғимдан олинг. Дам олиш кўни бўлгани учун автобус бозордан қайтаётган одамлар билан тўла. Кўпчилик асабий. “Бесўнақай” йиғит ва “тўрвали” аёл тортишиб қолиди. Тиқилинча кимдир жаврайди, яна кимдир ёшларнинг безбетлигидан эзгиради. — Хой киз, уялмайсанми? Кекса одамға жой бер! Е касалиман! — Нега касал бўларканман, кўрмай қолибман. Анчадан бери тепасида турган кампирни киз энди “кўрди”, оғриниб жойини бўшатди. Мен ўғлим билан бозордан қайтаман. Шундоғам эшиги аранг ёпилаётган автобус камига бекатларда тўхтаб, яна одам олар, ичкаридагилар ҳар сафар норози гудраниб қўйишарди. Мен одамлар оша ойнадан

САБОҚ...

ташқарини кузатиб кетяпман. Бу орада кенг далалардан сўнг мезавор боғ бошланди. У ерда одамлар қўймалинишар, яшиқ ва челақларға солинган ўриклар сотиш учун йўл чеккасиға чиқариб қўйилган. Ял-ял товланиб, қуёш акс этиб турган ўриклар кўзни қувнатди. — Оббо, яшиғи ҳам борми? Таксида кета қолса бўлади-ку. Шунча юки билан... Ёнимдаги спорт кийимли, кулқочин тақдирининг бетқатлиғи эътиборини тортди. У дам-бадам уф тортарди. Қарасам, бир аёл автобусға икки-уч яшиқ ўрик юкляётган экан. Аёл чопон кийган нуруний киши билан тезда ҳайрлашиб, автобусға чаққонгина чиқиб олди. Салондаги кайфият унга бутунлай бегона: кўзлари

кулиб турар, униқанг рўмоли остидан оқара бошлаган сочлари тўзғирди. — Вой болажон, ўрик егинг келаятми? Чараклаб турган мевадан ўғлим кўзларини узоқлай қолган қўрланади. Уни туртиб қўйдим, аёл узатган ўрикни рад этиб, раҳмат айтдим. — Синглим, мевалар деҳқончилик. Отамнинг боғидан. Боланинг сазасини ўлдирманг. Ол, болам, ош бўлсин. Ўғлим менға қарай-қарай унга қўл чўзди. Ёйишға ийманди, шекилли, сумкаға солди. Бирорта ҳам нуқсонни йўқ ўрикча орақорқадигилар ҳам бўйинларини чўзиб, тикилишарди. — Опа, деҳқончилик бўлса, бизға ҳам узатинг бобойнинг мевасидан, — деди ярим

ларини ўйлади, шекилли. Шу пайт олдинроқда турганлар ҳам қўл чўза бошлади. Чиптачи билан ҳайдовчи ҳам бенасиб қолмади. Ҳаш-паш дегунча, яшиқларнинг тағи кўринди. Аёл эса ҳамон кулимсираганда уларидан улашарди. — У ч у бекатдан сўнг тушиб қолди. Рази солсам, салонда одамлар камайганча, аммо негадир энди тиқилинч эмас, хатто айрилар бир-бири билан ҳазиллашиб, кулишиб кетишмоқда. Нимчали аёл эса спорт кийиминидаги йиғича билан қариндош қўриб қолди. Назаримда, аёл ўрик тарқатмади — сабоқ берди. Тиқилинч автобусға яшиғи билан ҳам беамол жойлашган аёл кўнглини кенг қилиш, бир-бировдан дунёни қизганмаслик, асл инсоний тўғйуларни унутмаслик, муҳими, инсонни қадрлаш ҳақида эслатиб, танбех бериб кетгандек эди...

Шоҳсанам ЭШМАТОВА.

БОЛАЛАРГА БЕРИНГ ДУНЁНИ

Бола деса яшанагай олам, Ушалади ҳар дил армони. Кам кўрмасин десангиз – болам, Болаларға беринг дунёни... Эгуликнинг сабоси улар, Чарчогингиз адоси улар, Ҳар бир уйнинг пошвоси улар, Болаларға беринг дунёни... Қулса улар, кўнгли тўлади, Юракларни хушон қилади. Дунё кўркам дунё бўлади – Болаларға беринг дунёни... Улар борки, давралар гулгун, Улар борки, байрамдир ҳар кун. Олам гуллаб-яшнаши учун Болаларға беринг дунёни... Шу улуг юрт эгаси дея, Бугунги ҳам эртаси дея, Ўзбегимнинг эркаси дея, Болаларға беринг дунёни! Акрамжон АЗИЗОВ, Олтиариқ тумани.

Футбол: PRO LIGA

Биринчи давра яқунланди



Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати-ни Про лигасида биринчи давра ўйинлари яқунланди. Мусобақа пешкадами “Нефтчи” охириги турда «Бухоро» меҳмони бўлиб, 2:0 ҳисобида имкониятни бой берди. Бу фарғоналик футболчиларнинг мавсумдаги биринчи мағлубиятидир. Жамоа Тошкентнинг “Олимпик” жамоаси билан дуранг ўйнаб, қолган барча учрашувлари ғалаба билан яқунланган эди. “Нефтчи” жамоаси 9 турдан кейин 19 очко тўплаган ҳолда турнир жадалида яққа пешкадам бўлиб турибди. 16 очко тўплаган “Бухоро” эса иккинчи ўринға кўтарилиб олди. Учтинчи ўринда бораётган “Олимпик” 14 очкоға эға. Фарғоналиклар биринчи даврада очколар тўплаш билангича эмас, ракиблар дарвозасиға тўп киритишда ҳам намуна бўлишди. Утган баҳсларда ракиблар дарвозасиға 20 та тўп киритиб, ўз дарвозасиға 3 та тўп ўтказиб юборишди. Ракиблар дарвозасиға 6 та гол урган сербиялик Марко Обрадович тўпурақлар баҳсида пешқадам бўлиб турибди. Дониёр ЭРГАШЕВ.

Publication information including: МУАССИС: «Farg'ona haqiqati» va «Ferganskaya pravda» gazetalarini tahririyati MChJ; Бош муҳаррир: Мухаммаджон ОБИДОВ; Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди. 2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган; Газета таҳририятига юборилган қўлёзма ва суратлар қайтарилмайди; Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй. Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24; Саҳифаловчи: Алишер Розиков.